

# **БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИНГ ЙИГИЛУВЧАНЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Орифжон Адилжонович САРМАНОВ**

катта ўқитувчи

Божхона қўмитасининг Божхона институти

Тошкент, Ўзбекистон

## **Аннотация**

Мақолада божхона тўловлари ва унинг йиғилувчанлигига таъсир этувчи омиллар таҳлил этилган. Изланишлар натижалари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** божхона тўловлари, давлат бюджети, импорт ҳажми, корреляцион таҳлил, регрессион таҳлил.

# **ПЕРСПЕКТИВЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ФАКТОРОВ ВЛИЯЮЩИХ НА СБОР ТАМОЖЕННЫХ ПЛАТЕЖЕЙ**

**Орифжон Адилжонович САРМАНОВ**

старший преподаватель

Таможенный институт Таможенного комитета

Ташкент, Узбекистан

## **Аннотация**

В статье анализируются таможенные платежи и факторы влияющие на их взимание. По результатам исследований даны научные предложения и практические рекомендации.

**Ключевые слова:** Таможенные платежи, бюджет государства, объем импорта, корреляционный анализ, регрессионный анализ.

Ҳар бир давлат ўз иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантириш, дунё хўжалигига интеграциялашув жараёнларини ҳисобга олиб, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда турли хил воситалардан фойдаланади ва уларни қўллашни доимий равишда такомиллаштириб боради. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш давлат воситалари таркибида божхона тўловлари асосий ўринни эгаллайди.

Божхона тўловлари мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига мутаносиб равишда ташқи савдо айланмасини зарур даражада тартибга солиш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда фискал

вазифаларни бажариш мақсадларида қўлланилади.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармонга мувофиқ “Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш” устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Мазкур йўналишнинг “Фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш” номли 46-мақсадида – “Консолидациялашган бюджет тақчиллигини 2024 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиздан ва келгуси йилларда 3 фоиздан паст бўлган миқдорда бўлишини таъминлаш” вазифаси белгилаб берилди [1].

Юқорида кайд этилганлардан маълумки, божхона тўловлари таҳлилини такомиллаштириш ва унга таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш бугунги кунда долзарб масалалардан биридир.

Божхона тўловларининг мазмун-моҳияти бўйича бир қатор олимлар ўз фикрларини билдиришган: Д.А.Слепов ва Е.В.Чуйковлар божхона тўловлари божхона органлари ходимлари томонидан ҳисобланадиган ва федерал бюджет даромадлар қисмини тўлдирувчи манба ҳисобланади [2].

О.Ю.Бакаев, божхона тўловларига – белгиланган тартибда божхона органлари томонидан йиғиладиган ва товарларни божхона иттифоқининг божхона чегараси орқали олиб ўтишда тўланадиган солиқ ва бюджетга тушадиган солиқ ва солиқдан ташқари тушумлар вазифасини бажарадиган мажбурий тўловлар, деган таърифни беради [3].

Шу билан бирга, давлат бюджетининг даромадлари таркибида божхона тўловлари 22,7 фоизни ташкил этаётгани бу йўналиш бугунги кунда аҳамияти ортаётганидан далолатдир (1-расм).




**1-расм. 2013-2022 йилларда божхона тўловлари тушумининг давлат бюджети даромадлар қисмидаги улуши динамикаси (фоизда).**

Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Бугунги кунда давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловларининг миқдори ҳам йилдан-йилга ошмоқда. Сўнгги 10 йиллик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари 2013-2022 йилларда 10,2 мартага ошган (1-диаграмма).

**1-диаграмма. 2013-2022 йилларда давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловларининг миқдори (триллион сўмда).**




Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Божхона тўловлари ўсишига импорт товарлари ҳажмининг кўпайиши, товарларнинг божхона қиймати аниқланишининг такомиллашаётганлиги, божхона тўловлари ставкаларининг ўзгариши, эркин алмаштириладиган

валюта курсининг ўзгариши, божхона соҳасида автоматлаштирилган ахборот тизимидан самарали фойдаланилаётганлиги, божхона соҳаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллашаётганлиги каби асосий омиллар таъсир этган.

Одатда, божхона тўловларининг йиғилувчанлигига таъсир қилувчи омиллар шартли равишда икки гуруҳга бўлинади. Жумладан, божхона органларига боғлиқ бўлмаган, ташқи омиллар ҳамда боғлиқ бўлган – ички омиллар (2-расм).



**2-расм. Божхона тўловларининг йиғилувчанлигига таъсир этувчи омиллар [4].**

Биринчи гуруҳга кирувчи омиллар божхона тўловларининг йиғилувчанлигига энг кўп таъсир қилади. Иккинчи гуруҳдаги омиллар божхона органлари томонидан бошқариладиган омиллар бўлиб, тўловларни ундиришнинг тўлиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Божхона тўловлари йиғилувчанлигига таъсир этувчи омилларнинг энг асосийларидан бири бу импорт ҳажмининг ошиши ҳисобланади.

Шунга кўра, қуйида импорт ҳажми ва ундирилган божхона тўловлари орасидаги боғлиқликни корреляцион ва регрессион таҳлил усуллари асосида ўрганиб чиқамиз.

Дастлаб сўнгги 2022 йилдаги импорт ҳажми ва ундирилган божхона тўловлари тўғрисидаги маълумотларнинг ойлар бўйича жадвалини ҳосил қиламиз.

#### 1-жадвал

### Импорт ҳажми ва ундирилган божхона тўловлари қийматларининг ойлар бўйича жадвали

*(Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси)*

Ойлар	Импорт ҳажми, миллион АҚШ долларида	Ундирилган божхона тўловлари, миллиард сўмда
Январь	1 969,6	2 914,2
Февраль	2 377,3	3 301,8
Март	2 536,5	3 324,1
Апрель	2 502,8	3 723,2
Май	1 875,9	3 874,7
Июнь	2 183,3	4 346,5
Июль	2 096,2	3 610,6
Август	2 421,5	3 789,1
Сентябрь	2 395,8	4 358,9
Октябрь	2 353,2	4 086,9
Ноябрь	2 573,4	4 049,0
Декабрь	2 877,0	4 645,5

Бунда фактор белги:  $x$  – импорт ҳажми миллион АҚШ долларида ҳамда натижавий белги:  $y$  – ундирилган божхона тўловлари миллиард сўмда бўлсин, деб оламиз.

Мазкур маълумотлар асосида корреляция коэффицентини қуйидаги формулалар билан ҳисоблаймиз [5].

$$(1) r_{x,y} = \frac{\left[ \sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y}) \right] \cdot \frac{1}{n}}{S_x S_y} \quad \text{ёки}$$

$$(2) r_{x,y} = \frac{\sum (x - \bar{x})(y - \bar{y})}{\sqrt{\sum (x - \bar{x})^2 \sum (y - \bar{y})^2}}$$

## 2-жадвал

### Импорт ҳажми ва ундирилган божхона тўловлари қийматларининг ойлар бўйича тақсимотини корреляция тенгламасига келтириш жадвали

(Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси)

Ойлар	Импорт ҳажми, млн. АҚШ долл. (x)	Ундирилган божхона тўловлари, млрд. сўмда (y)	$x_i - \bar{x}$	$y_i - \bar{y}$	$(x_i - \bar{x})^2$	$(y_i - \bar{y})^2$	$(x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})$
Январь	1 969,6	2 914,2	- 377,3	- 921,2	142336,4	848563,4	347 536,3
Февраль	2 377,3	3 301,8	30,4	- 533,6	925,7	284702,3	-16 234,0
Март	2 536,5	3 324,1	189,6	- 511,3	35 957,6	261402,1	-96 950,5
Апрель	2 502,8	3 723,2	155,9	- 112,2	24 312,6	12 583,2	-17 490,9
Май	1 875,9	3 874,7	- 471,0	39,3	221817,5	1 546,5	-18 521,1
Июнь	2 183,3	4 346,5	- 163,6	511,1	26 756,8	261248,8	-83 607,3
Июль	2 096,2	3 610,6	- 250,	- 224,	62 838,0	50 523,8	56 345,5

			7	8			
Август	2 421,5	3 789,1	74,6	-	5 568,9	2 141,4	-3 453,3
Сентябрь	2 395,8	4 358,9	48,9	523,	2 393,7	274078,4	25 613,5
Октябрь	2 353,2	4 086,9	6,3	251,	40,0	63 264,8	1 590,9
Ноябрь	2 573,4	4 049,0	226,	213,	51 313,6	45 635,6	48 391,4
Декабрь	2 877,0	4 645,5	530,	810,	281032,5	656302,5	429 467,5
Жами( $\Sigma$ )	$\Sigma=28\ 16$ 2,5	$\Sigma=46\ 024,$ 5			$\Sigma=85529$ 3,2	$\Sigma=276199$ 2,8	$\Sigma=67268$ 8,0
Ўртача арифмети ги	$\bar{X}=2\ 346,9$	$\bar{Y}=3\ 835,4$			$S_x=267,0$	$S_y=479,8$	

Амалларни бажариш натижасида корреляция коэффиценти ( $r$ ) 0,44 га тенг эканлиги маълум бўлди.

Олинган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, импорт ҳажми билан ундирилган божхона тўловлари орасида мусбат корреляцион боғлиқлик мавжуд. Таъкидлаш жоизки, Чеддок шкаласи бўйича боғлиқлик ўртамиёна ҳисобланади. Корреляцион боғланишни текширишда кўзланадиган иккинчи вазифа бир ҳодисанинг ўзгаришига қараб, иккинчи ҳодиса қанча миқдорда ўзгаришини аниқлашдан иборат.

Афсуски, корреляцион таҳлил усули – корреляция коэффицентлари бу ҳақида фикр юритиш имконини бермайди. Регрессион таҳлил деб номланувчи бошқа усул мазкур мақсад учун хизмат қилади.

Шундай экан, энди регрессион таҳлил асосида импорт ҳажмининг ўзгаришига қараб, ундирилган божхона тўловлари қанча миқдорда ўзгаришини  $Y_x = a_0 + a_1x$  аниқлаймиз.

Бунинг учун регрессия тенгламаси орқали ҳисоб-китобни амалга оширамиз. Бу ерда  $a_0$  – озод ҳад;  $a_1$  – регрессия тенгламасининг коэффиценти ҳисобланади. Регрессия тенгламасида X-омил белги олдидаги  $a_1$

коэффициент иқтисодий таҳлил учун катта аҳамиятга эга. У регрессия коэффициенти деб номланади ва Х-омилнинг самарадорлигини кўрсатади: омил белги бир бирликка ошганда натижа ўртача қанча миқдорга ошиши (ёки пасайиши)ни ифодалайди [5].

$$n a_0 + a_1 \sum x = \sum y$$

$$a_0 \sum x + a_1 \sum x^2 = \sum yx$$

Юқорида келтирилган формулаларга асосланиб 1-жадвалда келтирилган кўрсаткичнинг регрессия тенгламаси ва унинг коэффициентини аниқлаймиз. Бунинг учун қуйидагича жадвал тузилади (3-жадвал).

### 3-жадвал

**Импорт ҳажми ва ундирилган божхона тўловлари қийматларининг ойлар бўйича тақсимотини регрессия тенгламасига келтириш жадвали**  
(Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси)

Ойлар	Импорт ҳажми, миллион АҚШ доллар (x)	Ундирилган божхона тўловлари, миллиард сўмда (y)	x*y	x^2	$Y_x = a_0 + a_1x$
Январь	1 969,6	2 914,2	5 739 808,3	3 879 324,2	3 538,6
Февраль	2 377,3	3 301,8	7 849 369,1	5 651 555,3	3 859,3
Март	2 536,5	3 324,1	8 431 579,7	6 433 832,3	3 984,5
Апрель	2 502,8	3 723,2	9 318 425,0	6 264 007,8	3 958,0
Май	1 875,9	3 874,7	7 268 549,7	3 519 000,8	3 465,0
Июнь	2 183,3	4 346,5	9 489 713,5	4 766 798,9	3 706,7
Июль	2 096,2	3 610,6	7 568 539,7	4 394 054,4	3 638,2
Август	2 421,5	3 789,1	9 175 305,7	5 863 662,3	3 894,1
Сентябрь	2 395,8	4 358,9	10 443 052,6	5 739 857,6	3 873,9
Октябрь	2 353,2	4 086,9	9 617 293,1	5 537 550,2	3 840,3
Ноябрь	2 573,4	4 049,0	10 419 696,6	6 622 387,6	4 013,5
Декабрь	2 877,0	4 645,5	13 365 103,5	8 277 129,0	4 252,3
Жами(Σ)	28 162,5	46 024,5	108 686	66 949	46 024,5



			436,4	160,4	
--	--	--	-------	-------	--

Ҳисоб-китоблар натижа  $a_0 = 1989,558$  ҳамда  $a_1 = 0,786$  эканлиги маълум бўлди.

Демак,  $a_1$  регрессия коэффициенти натижавий белги (Y) билан омил белги (X) ўртасидаги боғланишни белгилаб беради. Бу эса омил белги бир-бирликка ортганда натижавий белги неча бирликка ошади деган саволга жавоб беради. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, импорт ҳажмининг 1 миллион АҚШ долларга ортиши божхона тўловларини 0,786 миллиард сўмга ёки 786 миллион сўмга ошишига олиб келади.

Амалга оширилган таҳлиллардан маълум бўладики, импорт ҳажми ортиши божхона тўловлари тушумининг ортишига сабаб бўлади деган гипотезамиз ўз исботини топди.

Юқоридаги таҳлилларга кўра, божхона тўловларига таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш юзасидан қуйидаги таклифлар билдирилади:

– корреляцион ва регрессион таҳлиллар натижасига кўра, импорт таркибида солиққа тортиладиган импортнинг улушини ошириш ва географиясини кенгайтириш;

– ташқи савдо алоқаларини халқаро ташкилотларга қўшилиш орқали кенгайтириш. Бунда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнларини мантиқий ниҳоясига етказиш;

– божхона тўловларига таъсир этувчи омиллар бўйича кўп омилли таҳлиллар ҳамда эконометрик таҳлилни амалга ошириш ва уларнинг натижалари асосида божхона тўловлари тушумининг қисқа ва узоқ муддатли истиқбол режаларини белгилаш.

Хулоса қилиб айтганда, божхона тўловларига таъсир этувчи омиллар доимий тизимли таҳлил қилиб борилса ва тегишли чора-тадбирлар ўз вақтида кўрилса, божхона тўловларининг давлат бюджетига тушуми ортишига ва

истикбол режа (прогноз) кўрсаткичларини сифатли аниқлашга замин яратилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ««Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158 Фармони.

<https://lex.uz/docs/6600413>

2. Слепова Д.А., Чуйкова Е.В. Таможенные платежи, исчисляемые таможенными представителями как источник формирования доходов федерального бюджета Российской Федерации. Экономика и управление: новые вызовы и перспективы. 2016;(11):192-196.

3. Бакаева О.Ю. Правовое регулирование финансовой деятельности РФ. – Саратов, 2005.

4. Пардаев Т.Н., Шадманкулов А.А., Маккамов З.Х. Божхона тўловлари: дарслик – Тошкент: Божхона институти, 2021. – 385 б.

5. Справочник по прикладной статистике. В 2-х т.Т.1 /Пер. с англ. Подред. Э. Ллойда, У.Ледермана, Ю.Н.Тюрина.– Москва: Финансы и статистика, 1989. –510 с.

5. Соатов С.С. Ташқи савдо божхона статистикасида кўрсаткичларнинг ўзаро боғланишларини таҳлил қилиш усуллари //Ўзбекистон божхона ахборотномаси, 2022. – № 2. – Б. 50-54.

6. Пардаев Т.Н. Божхона хизматининг фискал фаолияти: ўқув қўлланма. – Тошкент, 2022.